

ҚУЛУПНАЙНИНГ МАҲАЛЛИЙ ВА ИНТРОДУКЦИЯ ҚИЛИНГАН НАВЛАРИНИ МОРФО-БИОЛОГИК ВА ФОЙДАЛИ ХУСУСИЯТЛАРИ

Ихтиёр Чориевич Намозов

Тошкент давлат аграр университети доценти
Ihtiyor_8226@mail.ru

Мунира Шокиржон кизи Қамарова

Тошкент давлат аграр университети магистранти

АННОТАЦИЯ

Мақолада қулупнайнинг маҳаллий ва интродукция қилинган навларини морфо-биологик ва фойдали хусусиятлари тўғрисида маълумотлар келтирилган. Қулупнайнинг дориворлик хусусиятлари унинг таркибидаги биологик актив (ҳимоялаш) моддалар-витаминологияга боғлиқ. Қулупнай меваси қайта ишлашда қимматбаҳо ҳисобланиб, катта ассортиментда қайта ишланган маҳсулотлар тайёрланади. Ҳозирги вақтда янги совутгич хоналарнинг қурилиши билан аҳолини йил давомида қулупнай меваси билан таъминлаш имконияти туғилмоқда. Ўзбекистонда етиштирилаётган резавор экинлар ичида эгаллаган майдони ва ҳосилдорлиги бўйича қулупнай биринчи ўринда туради. Қулупнай тез ва эрта ҳосилга кириши билан ажралиб туради.

Калит сўзлар: қулупнай, маҳаллий, интродукция, навлар, мева, кўчат, ўсимлик, тупроқ, ҳосил, витамин,

ABSTRACT

The article provides information on the morpho-biological and beneficial properties of local and introduced varieties of strawberries.

Medicinal properties of strawberries depend on the biologically active (protective) substances-vitamins in it. Strawberries are valuable in processing, and a large assortment of processed products is made. Currently, with the construction of new refrigerated rooms, it is possible to provide the population with strawberries throughout the year. Among the berry crops grown in Uzbekistan, strawberries rank first in terms of area and yield. Strawberries are characterized by rapid and early harvest.

Keywords: strawberry, local, introduction, variety, fruit, seedling, plant, soil, crop, vitamin.



КИРИШ

Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 28 январдаги ПҚ-4575-сон «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги [1]. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2019 йил 20 мартдаги ПҚ-4246-сон «Ўзбекистон Республикасида боғдорчилик ва иссиқхона хўжалигини янада ривожлантириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги Қарорларида соҳани ривожлантир бўйича вазифалар алоҳида белгилаб берилган.

Ўзбекистонда ўстириладиган турли мевали ва резавор-мевали ўсимликлар ичида қулупнай алоҳида ўрин тутди. Йирик мевали қулупнай бошқа кўплаб мева ва резавор ўсимликлардан афзал туради.

Ўзбекистонда қулупнай етиштириш ҳажмининг пастлигига сабаб навлар сортиментида юқори ҳосилдор, иссиққа ва совуққа, замбуруғли касалликларга чидамли, интенсив, ривожланиш жараёни қисқа, меваларнинг юқори товарлиги ва универсал қайта ишлаш хусусиятларга эга навлар ва гибридларнинг йўқлигидир. Ўсимлик сортиментини шундай навлар билан бойитиш, уларнинг ўстириш технологиясини такомиллаштириш республикамиз қишлоқ хўжалиги соҳасида долзарб масала ҳисобланади.

АДАБИЁТЛАР ТАҲЛИЛИ ВА МЕТОДОЛОГИЯ

Қулупнай Rosaceae В. Jues - атиргулдошлар оиласининг Fragaria L авлодига киради. У кўп йиллик ўтсимон ўсимлик бўлиб илдиз пояси қисқа попуқ илдиздан иборат. Ҳар бир куртак асосида кўшимча попуқ илдизчалар шаклланади [2; 7-17 б.], [3; 144 б.].

Қулупнай мазали резавор ва ажойиб ширинлик, балки фаол шифобахш восита ҳамдир. У иштаҳа очиш билан бирга ҳазм қилиш фаолиятини меъёрлаштиради, табиий сийдик ҳайдовчи восита бўлиб, организмдаги туз миқдорини меъёрида ушлаб туради [6].

Ўзбекистонда йирик мевали қулупнайнинг қуйидаги навлари етиштирилади: Узбекистанская, Ташкентская, Ўзбекистон гўзали, Зенга-Зенгана, Баунтифул, Редгоунтлент, Кобра, Память Шредера, Прейя, Бомба, Баунтифул ва бошқалар. Йирик мевали қулупнай ҳамма ерда тарқалган бўлиб, у юқори ҳосилдорлиги ва мазалилиги билан ажралиб туради [4; 17 б.].

Қулупнайнинг бир нечта: ўрмон, қир, текислик,



Сахалин турлари учрайди. Қулупнайнинг кўрсатиб ўтилган турларини катта саноат аҳамиятига эга деб бўлмайди, бироқ мазкур туманларнинг аҳолиси истеъмол қилади. Қулупнайнинг ўрмон, Сахалин ҳамда қулупнай деб аталадиган турлари селекция ишларида иммунитетли, қишга чидамли, касалликларга бардошли навлар етиштиришда фойдаланилади. Бу турлар Россиянинг Европа қисмида, Узоқ Шарқда, Ёқутистонда, Сахалинда кенг тарқалган. Гуллари ва мевалари майда [5; 73-103 б.].

НАТИЖАЛАР

Қулупнай раънодошлар (*Rosaceae*) оиласи, (*Fragaria grandiflora*) турига мансуб кўп йиллик ўтчил ўсимликдир. Ўзбекистонда резавор мевалар ичида қулупнай кўп тарқалган.

Унинг 100 г меваси таркибида 30-140 мг/% С витамини, 4-11% қанд моддаси, 0,3-2,0% турли кислоталар, 0,2-0,3% катехин, 0,3-0,6 мг/% В₉ витамини, 1,0-1,4 мг/% РР витамини, 49 мкг% Е витамини, 50-70 мкг% рибофлавин, 0,7 мг/% токоферол, 1-2 мг/% темир моддаси, 1,2-2,2 мкг% йод, 3,4-5,3 мкг% кобальт, 0,3-0,4 мг/% марганец, 0,1-0,4 мг/% мис, темир, фосфор, калий, кальций тузлари ҳамда фолик кислотаси мавжуд.

Қулупнай барглариининг банди илдиз олдида жойлашган кўп йиллик илдизпояли ўсимлик. Илдизпояси юзада жойлашган бўлиб, катта бўлган сари ер устига чиқиб қолади. Ер устки қисми бир йиллик ўсимталардан иборат бўлиб, у ҳосил, барг ва ўсув куртакларидан ташкил топган. Ҳар бир куртакда барг чиқади, гул поясида тўпгул ва ер бағирлаб ўсадиган ингичка новда ривожланади.

Қулупнайнинг илдиз тизими попук илдиз, ҳар бир куртак асосида қўшимча илдиз шаклланади, ундан вертикал илдиз ва горизонтал шохлаб кетадиган илдизлар чиқади. Илдиз тизими 70 см гача чуқурлашиб кетади, бироқ асосий қисми 40 см чуқурликда жойлашган бўлади.

Илдизпоянинг юқори куртак қўлтиғидан ҳар йили ер бағирлаб ўсадиган ингичка новдалар чиқади, улар шохлаб тупроқ юзини қоплайди. Ингичка мўйловсимон новдалар ўз тугунчаларидан янги ўсимлик муртакларини чиқаради, муртаклардан эса илдиз тукчалари ва барг бандлари пайдо бўлади. Улар юмшоқ ва нам тупроққа тегиб, бандлардан илдиз олади, сўнгра асосий ўсимлик тупига бирлашган новда қуриб қолади.

Қулупнай барги уч бўлакли, поясининг охирида барг ёнлиги мавжуд. Қулупнай ўсимлигининг ўзига хос хусусияти

шундаки, тупида ҳар хил ёшда чиқарган барглари сақланиб қолади. Ўсув даври давомида баргларнинг бир қисми қуриydi ва айна пайтда янги барглар ўсиб чиқади.

Куртак қўлтиғидан қўпайиш илдизпоядаги ўсимталар сонининг қўпайишига олиб келади. Илдиз отиб улгурган ёш бандчаларда биттадан куртак бўлиб, кузга бориб иккитадан ўнтага қўпаяди, уч йиллик ўсимликда улар сони 30 тага етади, сўнгра камая боради.

Қулупнайнинг гулбанди - бу генератив поя бўлиб, унда мева ҳосил бўлади. Гулбандлар эса эрта баҳорда шаклланган куртаклардан чиқади. Гулбандлардаги тўпгул яхши ривожланган бўлади. Биринчи йил мева тугаётганда ўсимликда 3-10 та гул ҳосил бўлади, иккинчи ва учинчи йили эса бу 20-30 тага етади. Гули икки жинсли бўлиб, гулларида чангчи ва уруғчиси яхши ривожланади. Баъзи навлар бир жинсли бўлиб, уларда оналик чанглари ривожланган, оталик чанглари эса яхши ривожланмаган, бундай навларни чанглаш лозим. Кулупнайнинг сохта меваси гулдондан ўсиб чиққан тўқималардан ҳосил бўлиб, унда майда ёнғоқсимон уруғлар жойлашади. Бир хил навларда уруғлар меванинг юзасида бўлиб, яхши кўриниб туради, бошқаларида эса қулупнай этида зич ёки сийрак жойлашиб олади. Қулупнай кўп йиллик ўтчил ўсимлик турига киради. Унинг барглари қиш ҳарорати -5°C дан паст бўлган жойларда ер устки қисмини совуқ уради. Илдизлари кўп йиллик бўлиб, баҳор фаслида қулупнай гуллайди. Бу гуллардан янги мева пайдо бўлади. Мўйловлари қулупнай тупида табиий жихатда ўзидан пайдо бўлади. Ўсимликлар оддий ҳолатда мўйловларини эрта ёздан кузгача шакллантиради. Ҳар бир мўйловлар ерга тегиб турган жойидан илдиз чиқаради ва янги кўчатлар шаклланади. Узлуксиз мева берувчи навларида ёз бўйи кам микдорда мўйловлар ҳосил қилади.

Ўзбекистонда куз илиқ келиб, узоққа чўзилганда қулупнайнинг баъзи навлари иккинчи марта ҳосил беради. Гектаридан 8-10 тоннагача ва ундан ортиқ қулупнай ҳосили олиш мумкин.

МУҲОКАМА

Қулупнай нафақат мазали резавор ва ажойиб ширинлик, балки фаол шифобахш восита ҳамдир. У иштаҳа очиш билан бирга ҳазм қилиш фаолиятини меъёрлаштиради, табиий сийдик ҳайдовчи восита бўлиб, организмдаги туз микдорини нормаллаштиради. Мазкур резаворни нафақат болалар, балки катталар ҳам севиб

истеъмол қиладилар. Қуйида эса қулупнайнинг 7та фойдали хусусиятларини келтириб ўтамиз.

1. Қулупнай организмни ёшартиради. Қулупнайда алмашинув жараёнини фаоллаштирадиган углеводлар устунлик қилади, бу эса ўз навбатида организмдаги хужайраларнинг тезроқ янгилашишига шароит яратади.

2. Қулупнай тана ҳароратини пасайтиради ва қонни суюлтиради. Шунингдек қулупнай қон суюлишига кўмаклашади. Организм учун айниқса нордонроқ қулупнай фойдали, шу сабабли уни шакар билан эмас, балки сутли маҳсулотлар – сметана, қаймоқ ёки сут билан истеъмол қилган маъқул.

3. Қулупнай энергия билан таъминлайди. Қулупнай таркибида етарли миқдорда органик шовул кислотаси мавжуд бўлиб, мазкур модда танани энергия билан таъминлаш хусусиятига эга.

4. Қулупнай дисбактериозни даволайди. Қулупнайдаги полисахаридлар органик кислоталар билан биргаликда ичак микрофлорасини нормаллаштиришга, дисбактериозни олдини олишга ва организмдан токсинлар ҳамда оғир металларни ҳайдашга ёрдамлашади.

5. Қулупнай – тирик поливитамин. Қулупнайни мунтазам истеъмол қилиниши мавсумий авитаминозни енгади ва организмни С, Е ва В гуруҳи витаминлари билан тўйинтиради. Бундан ташқари қулупнай таркибида юқори миқдорда металл моддалар – марганец, калий, кальций, мис, кобальт, молибден хусусан енгил ҳазм бўладиган шаклда мавжуд.

6. Қулупнай – табиий косметолог. Қулупнайдан косметологияда жуда кўп фойдаланилади. Агар ундан тўғри фойдаланса, у тери, соч ва тирноқ билан боғлиқ бир қатор муаммолардан қутулиш мумкин.

7. Қулупнай нитратлардан холи. Қулупнай ўстириш учун қандай ер бўлишининг аҳамияти йўқ. Асосийси намлик етарли миқдорда бўлиши керак. Мазкур резавор ўғитларга муҳтож эмас, демак нитратлар ҳам унда деярли учрамайди.

ХУЛОСА

Ўзбекистонда етиштирилаётган резавор экинлар ичида эгаллаган майдони ва ҳосилдорлиги бўйича қулупнай биринчи ўринда туради. Сунъий суғориш ҳамда озиқ моддага бой бўз тупроқли ерларда тегишли агротехникани қўллаган ҳолда ноёб навларни етиштириб, ишлаб чиқариш шароитида гектаридан 10 тонна ва ундан ҳам юқори ҳосил олиш мумкин. Қулупнай – сермеҳнат экин бўлиб, ишни оқилона ташкил

этишни талаб қилади. Қулупнай меваси қайта ишлашда қимматбаҳо ҳисобланиб, катта ассортиментда қайта ишланган маҳсулотлар тайёрланади. Ҳозирги вақтда янги совутгич хоналарнинг қурилиши билан аҳолини йил давомида қулупнай меваси билан таъминлаш имконияти туғилмоқда.

REFERENCES

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2020 йил 28 январдаги «Ўзбекистон Республикаси қишлоқ хўжалигини ривожлантиришнинг 2020-2030 йилларга мўлжаллаган стратегиясида белгиланган вазифаларни амалга ошириш чора-тадбирлари тўғрисида» ги ПҚ-4575-сон Қарори.
2. Абдуллаев Р.М., Абдуллаева Ҳ.Р. Қулупнай этиштириш. Тошкент-2021. 7-17 б.
3. Абдуллаева Ҳ.Р. “Ўзбекистонда ер тути ўсимлиги”. Тошкент 2017. –б 144.
4. Абдуллаева Ҳ.Р. “Плёнка остида қулупнай этиштириш мўмай даромад манбаи”, “Ўзбекистон қишлоқ хўжалиги” журнали. 2017. №2 17-б.
5. Белых А.М. Земляника в Сибири. –Новосибирск, 2000. –с.73-103.

